



МУҲОФАЗА+

ижтимоий-сиёсий, илмий-амалий ва бадиий журнал

2020/12/(192)



ИНДЕКС 1066

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Фавқулодда вазиятлар
вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси
Фавқулодда вазиятлар
вазирлигининг ижтимоий-сиёсий,
идмий-амалий ва
бадний журналі

Бош муҳаррир в.б.
Азамат СУЙУНОВ

Мусаххилар:
Бапоит ЮНУСОВА,
Дилдора УБАЙДУЛЛАЕВА

Тахририятга келган муаммоли ва
мураккаб мазмулдаги мақолалар
вазирлик Илмий-техник
кентанида мухомамадан
ўтказилади.

Кулёзмалар, фотосуратлар
кайтирилмайди, уларга жавоб
ёзилмайди.

Журналдан кўчириб босилган
мақолалар "Мухофаза+"
журналидан олинди,
деб кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан 2007 йил 3 январда
0105-сонли гувоҳнома билан
рўйхатга олинган.

Қоғоз бичими 60x84 1/8.
Оффсет усулида босилди.
Шартли босма таъбири 4,0.
Адади 2530 нусха.
Буюртма №152.
Босмахонага топширилди:
15.12.2020 й.

"Академнашр NMM" МЧЖ
матбаа бўлимида chop этилди.
100156, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, 20-а мавзе,
42-уй.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100084, Тошкент шаҳри,
Кичик халка йўли, 4-уй
Тел.: (71) 235-58-49
(99) 012-19-59
(90) 996-36-77

e-mail: vaziyat03@mail.ru

ISSN 2091-5284

"Мухофаза+" журнали ва
"Вазият" газетаси
бирлашган тахририяти

МУНДАРИЖА

Ш.Зулфиқоров. Барқарор тараққиётимиз кафолати	2
Э.Зоиров, М.Алимова. Мамлакатимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори	3
Б.Жўраев, Н.Ўктамов. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини баргараф этишда бошқарувнинг аҳамияти	5
Х.Азимов. Ер, ерости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захираларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш	6
Н.Гафуров, А.Шермамамов. Эвакуационные мероприятия – важное звено в ликвидации последствий чрезвычайных ситуаций	8
А.Сирожиддинов, Ш.Атабаев. Электромобилларда ёнғин пайдо бўлганда уни ўчиришнинг ўзига хос хусусиятлари	10
Д.Иномов. Сейсмик фаол минтақаларда кучли zilзила билан боғлиқ фавқулодда вазиятларда аҳолининг барча қатламларини тайёрлаш бўйича хорижий давлатлар тажрибалари	12
М.Атажанова, И.Оллаберганов. Мобил телефон радиациясининг инсон организмга зарарли таъсири ва оқибатлари	14
Б.Атамирзаев. Табиатдан оқилонга фойдаланиш – экологик мувозанатни барқарорлаштириш омилдир	16
М.Ҳайитов, Ў.Ўроқов. Газдан захарланишда биринчи ёрдам	18
Ш.Холиқов, А.Турсунов. Қутқарувчиларнинг касбий тайёргарлиги тизимини такомиллаштириш	19
И.Ҳасанов. Эҳтиёт бўлинг, ботулизм!	20
Б.Алимов. Узбекско-русско-английский разговорник для спасателей	22
Р.Абсаломов, Д.Ражабов, А.Яхшимуродов. Гидротехник иншоотларнинг хавфсизлигини таъминлаш муҳим масала	24
Л.Султонова. Соғлом фарзанд тарбияси – миллий юксалиш омили	26
Э.Ҳамроева. Фавқулодда вазиятларда мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг хавфсизлиги	28
О.Чўлиев, А.Жалилов. Зилзиладан сўнг шошилиш руҳий ёрдам	30
Д.Раҳимжонова. Кроссворд	32

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ

Ўзбекистон Республикасининг "Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги "Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорининг 2-бобига асосан, аҳолини, шу жумладан, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини фавқулодда вазиятларда муҳофазаланиш, жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш, жамоавий ва шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш қоидалари ва усулларига ўргатиш белгиланган.

Сўнгги йилларда айрим мамлакатлар аҳолиси турли фавқулодда вазиятлардан азият чекиб келмоқда. Табиий офатлар, бахтсиз ҳодисалар ва фалокатлар йўқотишларга ва инсонларнинг турмуш тарзи издан чиқишига омил бўлмоқда. Табиат устидан ҳукмронлик ўрнатишга интилаётган замонавий инсон, сунъий равишда яратилган иккинчи табиат – техносфера ҳалокатли ҳолатларга айланиб, тобора таназзулга юз тутадиган вазиятга дуч келмоқда. XXI аср тубдан бурилиш даври бўлиб, ишлаб чиқариш янги соҳаларини кашф этмоқда. Булар инсон–табиат–ресурс муносабатлари билан узвий боғлиқ. Табиий ва техноген ҳамда экологик тусдаги ҳалокатларнинг омиллари фақатгина табиат ҳодисалари эмас, балки инсон омиллари ҳам сабаб бўлмоқда. Ҳозирги вақтда инсоннинг унинг атрофидаги дунё билан муносабатини қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келади, бунда олдиндан айтиб бўлмайдиган хавфлар пайдо бўлади: ижтимоий, табиий, техноген ва уй шароитидаги. Бунинг натижасида инсонлар руҳий зўриқиш, кўрқув ва тан жароҳа-



ти олиши мумкин: жумладан, шикастланиш, куйиш, музлаш, заҳарланиш ва турли хил инфекциялар билан касалланишни назарда тутиш мумкин. Экстремал шароитларда инсоният болалигидан тирик қолиш ва руҳий барқарорлик муаммоларини ҳал қилиш каби мураккаб вазифаларни ҳал қилишга интилади. Сўнгги йилларда хавфсизлик тобора кўпроқ инсоният эҳтиёжига айланиб бормоқда. Юқорида келтирилган вазифаларнинг ечими ўқитувчилар, тарбиячилар, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари билан зиммасидадир. Ўзини ўзи асрашга асосланган жамият, ҳаёт хавфсизлигини таъминлашга қаратилган аниқ ва олдиндан белгиланган чораларни кўради, фавқулодда вазиятларда

жамиятни ҳимоя қилиш муаммоси жамоат хавфсизлигини, инфратузилма барқарорлигини ва биосферани ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши керак бўлган кўплаб жиҳатларни ўз ичига олади. Болалар ўзларининг хавфсизлигини таъминлаш учун турли таҳдидлардан огоҳ бўлишлари лозим. Бунинг учун мактабгача таълим тарбияланувчилари жамоат жойларида, ўзларига нотаниш бўлган шахслар билан мулоқот қилишда хавфсизлик талабларига риоя этишни ўргатиш асосий ва муҳим аҳамият касб этади. Мактабгача ёшдаги болалар кўпинча нотаниш катталар учун ҳаддан ташқари мойил бўлиб, бу фавқулодда вазиятни келтириб чиқариши мумкин. Шундай қилиб,

болаларни жамоат жойларида хавфсиз ҳаракат қоидаларига риоя қилишни ҳамда фавқулодда вазиятлар юз берганда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш лозим. Ҳозирги вақтда дунёда болаларнинг хавфсизлиги бўйича мактабгача таълим тизими соҳасида тегишли услубий ишлар етарлича олиб борилмаяпти. Уйда, кўчада, жамоат жойларида ва табиатда хавфли вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича талаблар самарали эмас. Болалар биз учун бебаҳо неъматдир. Болалар, яъни мактабгача тарбия ёшидаги болалар фавқулодда вазиятларда ёрдамга муҳтож. Уйда, мактабгача таълим муассасасида ёки кўчада ва қаерда бўлишидан қатъи назар, боланинг хавфсизлигини ҳар доим барча катталар учун устувор вазифа бўлиб келган. Мактабгача ёшдаги болалар, кафолатланган билим олиш имкониятига эга бўлишлари керак ва катталар – ота-оналар ва уларга васий бўлганлар, уларга зарур маълумотларни етказишлари, табиий ва техноген хусусиятга эга бўлган таҳликалар ва фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга ўргатишлари шарт. Фарзандларимизнинг хавфсизлиги нафақат улар томонидан олинган билимларнинг йиғиндиси, балки турли хил экстремал вазиятларда ушбу билимларни тўғри тасарруф этиш қобилиятидир. Маълумки, болалик, бу – инсон ҳаётидаги ўзига хос давр бўлиб, айна пайтда ҳаёт ҳақида тушунча ҳамда шахс шаклланиб боради. Инсон улғайган сайин ҳаётини тажрибалари ортиб боради. Ҳимоясиз ва ишонувчан боланинг вояга етиш даврида унинг ҳаётидаги энг муҳим инсонлари – ота-онаси, ўқитувчилари ёнида бўлиши керак. Бизнинг меҳримиз, ғамхўрлигимиз, ҳиссий яқинлигимиз, қўллаб-қувватлашимиз туфайли бола муваффақиятли ривожланади. У дунёга ва унинг атрофидаги одамларга нисбатан ишончга эга бўлади. Биз фарзандларимизга бахт тилаймиз ва уларни балолар, турли хил офат, мусибатлардан ҳимоя қилишга ҳаракат қилишимиз зарур. Мактабгача ёшдаги болаларни турли таҳлика ва фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш

дастури, методик тавсиялар ва дидактикалар мавжуд бўлмаса, турли хил экстремал ҳолатлар ва фавқулодда вазиятларда болаларни тўғри ҳаракат қилишга ўргатишнинг имкони йўқлигини кўрсатади.

Фавқулодда вазиятларда мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг хавфсизлиги дастурининг ишлаб чиқиши ҳамда амалиётга татбиқ этилиши тарбиячилар учун дастуруламал бўлиб хизмат қилади ҳамда тарбияланувчиларни мустақил равишда ушбу йўналишда ўргатиб боришлари учун асос бўлади. Ушбу дастур болаларга ижтимоий, табиий, техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш асосларини ўргатишга қаратилган бўлади.

Дастур мактабгача ёшдаги болаларни тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш, фавқулодда вазиятлар бўлимлари, мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ва ота-оналарнинг ўзаро ҳамкорлигини ва фавқулодда вазиятлар органларининг хабардор қилиш ва ҳамкорликни таъминлаш орқали мактабгача таълим тизимида турли фавқулодда вазиятларда хавфини камайтиришга ва содир бўлганда ўз вақтида хабардор қилишга, шунингдек, ҳамкорликни тўғри йўлга қўйишга хизмат қилади. Ушбу дастур "Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш", "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги қонунлари ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари, халқаро мажбуриятлар ва асосий принципларни ҳисобга олган ҳолда, шу жумладан, табиий офатларни хавфини камайтириш бўйича 2015-2030 йилларга мўжалланган Сендай халқаро дастури асосида ишлаб чиқилади. Дастур "Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги "Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро

муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2017 йил 9 июндаги "Мактабгача таълимга қўйилган давлат талабларини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи талабларини бажаради. Фавқулодда вазиятларда мактабгача таълим тарбияланувчиларининг хавфсизлиги дастури мактабгача ёшдаги болалар (3 ёшдан 7 ёшгача), ўқитувчилар ва ота-оналарнинг таҳликали ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳаёт хавфсизлиги соҳасида билим ва кўникмаларини оширишга қаратилади. Дастур болалар билан ишлашнинг мазмунини белгилайди ва уларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган ҳамда уларга қатъий риоя қилишни талаб қиладиган ҳулқатвор қоидаларини баён қилади, чунки уларнинг соғлиғи ва ҳаёти бунга боғлиқ. Ушбу қоидаларни болаларга батафсил тушунтириш керак ва кейин уларнинг бажарилишини назорат қилиш лозим. Шунинг ёрдамида тутиш керакки, хавфсизлик ва соғлом турмуш тарзи бу нафақат олинган билимларнинг йиғиндиси, балки турли хил ностандарт вазиятларда муносиб ҳатти-ҳаракатлардир. Болалар кутилмаган вазиятларга, ҳатто экстремал вазиятга, кўчада, уйда, жамоат жойларида дуч келишлари мумкин. Шунинг учун дастурнинг асосий вазифаси уларнинг мустақиллиги ва масъулиятини ривожлантиришни рағбатлантиришдир. Дастурнинг ўзига хос хусусияти шундаки, болалар билим ва кўникмаларини (тўпланган тажриба) реал ҳаётда амалда қандай қўллашни ўрганишлари керак. Бола ўз атрофидаги дунё, ижтимоий, табиий, техноген ва маиший табиатнинг зарарли томонлари тўғрисида кўп нарсаларни билиб олади. Заиф бўлиб қолмаслик учун ўзи ва катталар билан нима қилиш кераклигини билиб олади. Энг муҳими, кичкина одамга экстремал вазиятларда кўп нарса ўзига боғлиқ эканлиги ҳамда у кичкина қутқарувчи ролида бўлиши мумкинлиги тушунтирилади.

**Эъзозхон ҲАМРОЕВА,
А.Қодирий номидаги
ЖДПИ магистранти.**